IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2019 йил январь–сентябрида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми миллий валютада 4 552,9 млрд. сўмни (АҚШ доллари эквивалентидаги ҳажми 0,54 миллиард АҚШ долларини) ёки 2018 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 184,1 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши

(2019 йил январь–сентябрь)

	млрд.сўм	*ўсиш суръати, %*	*якунга нисбатан фоиз ҳисобида*
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	**4 552,9**	**184,1**	**100,0**
шу жумладан			
Марказлашган инвестициялар:	**477,5**	**2,7 м**	**10,5**
бюджет маблағлари	325,8	4,6 м	7,2
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси	35,2	-	0,8
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	72,7	73,1	1,6
Марказлашмаган инвестициялар	**4 075,4**	**184,5**	**89,5**
корхоналарнинг ўз маблағлари	911,5	139,0	20,0
аҳоли маблағлари	689,5	128,4	15,1
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	1 802,7	4,5м	39,6
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	671,8	107,5	14,8

Давлат бюджетидан ажратилган инвестициялар ижтимоий соҳани ва ҳаётий таъминот тизимини қўллаб қувватлашга, Фарғона вилояти инфраструктурасини ривожлантиришга қаратилган манзилли инвестиция дастурларини амалга ошириш учун йўналтирилган.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари

(январь-сентябрь, фоиз ҳисобида)



Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари

(январь-сентябрь жами инвестициялар ҳажмидаги улуши,%да)



Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари

(январь-сентябрь, фоиз ҳисобида)

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан киритилган жами инвестициялар 477,5 млрд сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,7 мартага ошган (умумий ҳажмдаги улуши 10,5%), шундан бюджет маблағлари 325,8 млрд сўмни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 4,6 мартага ошган (умумий ҳажмдаги улуши 7,2%), Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси 35,2 млрд сўмни ташкил этди. Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий инвестиция ва кредитлар 72,7 млрд сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 73,1% ни ташкил этганини таъкидлаш лозим.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашмаган молиялаштириш манбалари

(*январь-сентябрь жами инвестициялар ҳажмидаги улуши, %да*)



Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан киритилган жами инвестициялар 4 075,4 млрд сўмни ташкил этди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 184,5% ни (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 89,5%) ташкил этди. Шундан жами инвестициялар хажмида энг кўп улуш тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар хисобига тўғри келиб, 1 802,7 млрд сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 4,5 марта ошган (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 39,6%), корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига ўзлаштирилган инвестициялар 911,5 млрд сўмни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 139,0% ни (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 20,0%) ташкил этди, 689,5 млрд сўм аҳоли маблағлари ҳисобига ўзлаштирилган инвестициялар бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 129,4%ни (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 15,1%)ташкил этди. Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари 671,8 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 107,5% ни (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 14,8%) ташкил этди.

2019 йилнинг январь-сентябрида асосий капиталга инвестициялар молиялаштириш манбаларининг мулкчилик шакли бўйича тақсимланиши

	Жами	*шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:*	
		давлат	*нодавлат*
Жами инвестициялар, ***млрд.сўм***	**4 552,9**	**490,5**	**4 164,6**
шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича:			
давлат бюджети маблағлари	325,8	257,1	68,7
давлат мақсадли жамғармалари маблағлари	35,2	35,2	-
корхоналар ва аҳоли маблағлари	911,5	270,7	640,8
чет эл инвестициялари ва кредитлари	1 875,4	72,7	1 802,7
банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	671,8	-	671,8
Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари	-	-	-

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар

	Январь–сентябрь			
	2018 й.	*Умумий ҳажмга нисбатан фоизда*	*2019 й.*	*Умумий ҳажмга нисбатан фоизда*
Жами, *млрд.сўм*	**2 121,1**	**100,0**	**4 552,9**	**100,0**
шу жумладан иқтисодий фаолият турлари бўйича:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	694,5	32,7	450,2	9,9
тоғ–кон саноати	29,4	1,4	527,7	11,6
ишлаб чиқариш саноати	253,7	12,0	1 769,1	38,9
электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	31,2	1,5	124,1	2,7
сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	90,1	4,2	25,7	0,7
қурилиш	66,4	3,1	113,3	2,5
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоцикларни таъмирлаш	86,5	4,1	255,7	5,6
ташиш ва сақлаш	85,0	4,0	143,4	3,1
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	16,9	0,8	28,6	0,6
ахборот ва алоқа	18,1	0,9	36,6	0,8
молиявий ва суғурта фаолияти	7,6	0,4	32,8	0,7
профессионал, илмий ва техник фаолият	20,8	1,0	46,4	1,0
таълим	47,8	2,3	78,2	1,7
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	60,2	2,8	98,4	2,2
бошқа иқтосодий фаолият турларидан ташқари: турар – жой бинолари қурилишигаинвестициялар	525,6	24,8	591,1	13,0
санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	18,5	0,9	43,0	0,9
бошқа фаолият турлари	68,8	3,1	188,6	4,1

Иқтисодий фаолият турлари бўйича тоғ–кон саноатида – 527,7 млрд. сўм (жами инветициялар хажмида 11,6 фоиз), шундан хом нефть ва табиий газ қазиб олиш – 1,7 млрд. сўм, ишлаб чиқариш саноатида – 1 769,1 млрд. сўм, (38,9 фоиз) шундан озиқ–овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари – 42,5 млрд. сўм (0,9 фоиз), тўқимачилик маҳсулотлари ва кийим – 478,4 млрд. сўм (10,5 фоиз), кимё маҳсулотлари – 104,3 млрд. сўм (2,3 фоиз), нометалл минерал маҳсулотлар – 620,1 млрд. сўм (13,6 фоиз), металлургия – 17,4 млрд. сўм, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – 124,1 млрд. сўм (2,7 фоиз), қурилиш – 113,3 млрд. сўм (2,5 фоиз), ташиш ва сақлаш – 143,4 млрд. сўм (3,1 фоиз), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоцикларни таъмирлаш – 255,7 млрд. сўм (5,6 фоиз), ахборот ва алоқа – 36,6 млрд. сўм (0,8 фоиз), профессионал, илмий ва техник фаолият – 46,4 млрд. сўм (1,0 фоиз), таълим – 78,2 млрд. сўм (1,7 фоиз), бошқа иқтисодий фаолият турларидан ташқари турар жой бинолари қурилишига – 591,1 млрд. сўмлик (13,0 фоиз) инвестициялар ўзлаштирилди.

Киритилган инвестицияларда катта улушга эга бўлган соҳалар

(январь-сентябрь ҳолатига, фоизда)



Асосий капиталга киритилган хорижий инвестициялар.

2019йил январь–сентябрь ойларида асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг умумий ҳажми 1 875,4 млрд.сўм бўлиб 222,6 млн. АҚШ доллари ёки 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 3,8 марта ўсишга эришилди. Жами хорижий инвестициялар 1 676,0 млрд. сўм бўлиб 199,0 млн. АҚШ долларини ташкил этди, шундан 1 598,4 млрд. сўм тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бўлиб 189,8 млн. АҚШ долларини, бошқа хорижий инвестициялар 77,6 млрд.сўм бўлиб 9,2 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Жами хорижий кредитлар 199,4 млр.сўм бўлиб 23,6 млн. АҚШ долларни, шундан 72,7 млрд.сўм Ҳукумат кафолати остидаги хорижий кредитлар бўлиб 8,6 млн. АҚШ долларини, кафолатланмаган хорижий кредитлар 126,7 млрд.сўм бўлиб 15,0 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг таркиби

(2019 йилнинг январь–сентябрида)

	млрд. сўм	*умумий хажмга нисбатан фоизда*	
		давлат кафолати остида	*тўғридан-тўғри ва бошқалар*
Жами асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитлар	1 875,4	72,7	1 802,7
шу жумладан:			
давлат	-	72,7	-
нодавлат	1 802,7	-	1 802,7

Ҳисобот даврида Фарғона вилоят бўйича тўғридан – тўғри хорижий инветиция ва кредитлар 1 802,7 млрд.сўмни ташкил этиб, жами хорижий инвестиция ва кредитлардаги нодавлат секторига киритилган тўғридан–тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг улуши 96,1 фоизни ташкил қилди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг
алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши
(январь-сентябрь, умумий хажмга нисбатан, фоизда)



Хорижий инвестиция ва кредитларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича салмоқли қисмининг ўзлаштирилиши қайта ишлаш саноатига тўғри келиб 1 056,0 млрд.сўмни ташкил этиб, жами хорижий инвестиция ва кредитлар хажмидаги улуши – 56,3% ни, тоғ-кон саноатида – 506,5 млрд.сўмни ташкил этиб, жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг 27,0% ни, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги сохасида – 55,4 млрд.сўмни ташкил этиб, жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг 3,0% ни ташкил этди.

Шу билан бирга, ахборот ва алоқа соҳасида 31,9 млрд. сўмни ҳамда сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва йўқ қилиш соҳасига эса 1,7 млрд. сўмни ташкил этди. Ушбу иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитларнинг ўзлаштирилиши 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан камайганлиги кузатилди.

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

Уй–жой қурилишида 363,5 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ёки жами инвестициялар хажмининг 8,0 фоизини ташкил қилди.

2019 йилнинг январь-сентябрида янги қурилиш ва реконструкция ҳисобидан фойдаланишга топширилган турар–жой ва ижтимоий соҳа объектлари

	Барча манбалар ҳисобидан			
	фойдаланишга топширилди		*2018 йил январь–сентябрига нисбатан фоизда*	
	жами	*шу жумладан қишлоқ жойларда*	*жами*	*шу жумладан қишлоқ жойларда*
Уй–жой, умумий майдони *минг.кв.м*	**501,6**	**370,2**	**450,0**	**282,2**
ундан: якка тартибдаги уй–жойлар	479,7	360,6	419,3	251,5
якка тартибдаги уй–жойлар намунавий лойиҳалар бўйича шаҳар ва қишлоқ жойларда	21,1	9,6	30,7	30,7
Касалхоналар, *ётоқ ўрни*	270	-	-	-
Умумий таълим ва махсус мактаблар, *ўқувчилар ўрни*	4186	2231	240	240
Сув тармоқлари, *км*	134,0	118,8	116,6	111,4
Газ тармоқлари, *км*	1,9	1,9	59,2	59,1

2019 йил январь–сентябрида умумий майдони 501,6 минг кв.м. бўлган 2 690 та уй ёки 2690 та квартира (2018 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 111,5 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 479,7 минг кв.м. (114,4 фоиз) уй–жой фойдаланишга топширилди.

Коммунал қурилишда 134,0 км сув тармоқлари (118,8 км қишлоқ жойларда) ва 1,9 км. газ тармоқлари (1,9 км қишлоқ жойларда) ишга туширилиб, сув тармоқлари 2018 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 114,9 фоизни ташкил этди, қишлоқ жойларда эса бу кўрсаткич 106,6% ни ташкил этди.

Касалхоналар, амбулатория – поликлиника муассасалари ва қишлоқ врачлик пунктлари270 та ўринга кенгайтирилди, умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактабларни қуриш ва капитал реконструкция қилишга52,5 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди.

Сув тармоқлари қурилишига 8 909,3 млн. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобидан 3 698,3 млн. сўм (41,5 фоизи) ўзлаштирилди.

Газ тармоқлари қурилишига 115,9 млн. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобидан 115,9 млрд. сўм (умумий ҳажмнинг 100,0 фоизи) ўзлаштирилди.

Қурилиш фаолияти

2019 йилянварь–сентябрида 1 977,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2018 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 120,8 фоизни ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида қурилиш ишлари ўсиш сурати, фоизда



Ҳудудлар кесимида қурилиш ишлари умумий ҳажмидаги энг юқори улушга эга бўлган Фарғона шахар бўлиб, 432,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилди, жами қурилиш ишлари ҳажмининг 21,6% (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 120,7%) ни ташкил этди. Қўқон шахрида 192,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, жами қурилиш ишлари ҳажмининг 9,7% (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 106,0%)ни, Қувасой шаҳрида 164,8 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди, (жами қурилишдаги улуши 8,3% ўсиш суръати 126,5%)ни, Марғилон шаҳрида 182,7 млрд сўмлик қурилиш

ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 9,1%, ўсиш суръати 138,7%), Фарғона туманида 42,3 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 2,1%, ўсиш суръати 37,7%), Олтиариқ туманида 91,5 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 4,6%, ўсиш суръати 171,1%), Қўштепа туманида 83,7 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 4,2%, ўсиш суръати 118,8%), Бағдод туманида 75,8 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 3,8%, ўсиш суръати 73,2%), Бешариқ туманида 76,1 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 3,8%, ўсиш суръати 206,8%), Бувайда туманида 52,2 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 2,6%, ўсиш суръати 110,3%), Данғара туманида 129,9 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 6,5%, ўсиш суръати 195,3%), Қува туманида 99,1 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 5,0%, ўсиш суръати 138,7%), Риштон туманида 40,0 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 2,0%, ўсиш суръати 106,1%), Сўх туманида 24,9 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 1,2%, ўсиш суръати 84,3%), Тошлоқ туманида 48,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 2,4%, ўсиш суръати 105,4%), Ўзбекистон туманида 37,6 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 1,9%, ўсиш суръати 114,6%), Учкўприк туманида 72,7 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 3,6%, ўсиш суръати 96,1%), Фурқат туманида 57,6 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улушиг 2,9%, ўсиш суръати 143,6%), Ёзёвон туманида 92,8 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 4,6%, ўсиш суръати 343,9%).

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари таркиби

	январь–сентябрь	
	2018 й.	*2019 й.*
Қурилиш ишлари, ***млрд. сўм***	**1 401,7**	**1 997,2**
шу жумладан:		
давлат	17,3	113,0
нодавлат	1 384,4	1 884,2

Қурилиш ишларини мулкчилик шакллари бўйича кўриниши
(январь-сентябрь, фоиз ҳисобида)



Мулкчиликнинг нодавлат шаклидаги қурилиш ташкилотлари томонидан 1 884,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, жами қурилиш ишлари хажмининг 94,3 фоизини ташкил қилди.

Ҳисобот даврида Фарғона вилояти бўйича жами қурилиш ишлари хажми 1 997,2 млрд. сўмни, ундан нодавлат секторининг улуши 94,3 фоизни ташкил қилди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 65,4 фоизи янги қурилиш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва корхоналарни техник қайта қуроллантиришга, 34,6 фоизи эса капитал, жорий таъмирлашга ва бошқа қурилиш пудрат ишларига тўғри келди.

Намунавий уй-жойлар

2019 йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида жами 20 та намунавий лойиҳа асосида уй-жойлар қуриб битказилди ҳамда фойдаланишга топширилди. Ушбу намунавий уй-жойлар қиймати 1,0 млрд. сўмни ташкил этди.

Қуриб фойдаланишга топширилган намунавий уй-жойларга ичимлик суви тармоғи тортилмаган.

Фойдаланишга топширилган, намунавий лойихалар асосида қурилган уй-жойлар
2019 йил январь-сентябрь ойларида

	Намунавий уй-жойлар		
	млн.сўм	*сони*	*минг кв.м*
Вилоят жами	**123 789,1**	**20**	**21,1**
шаҳарлар:			
Фарғона	7 360,1	4	8,9
Қўқон	17,3		
Қувасой	12 864,2	3	2,6
Марғилон	-	-	-
туманлар:	-	-	-
Олтиариқ	7 492,0	-	-
Қўштепа	4 773,4	-	-
Бағдод	3 551,5	-	-
Бувайда	9 687,6	-	-
Бешариқ	3 003,9	-	-
Қува	1 948,5	-	-
Учкўприк	3 782,4	-	-
Риштон	10 686,9	-	-
Сўх	3 325,1	-	-
Тошлоқ	2 653,5	-	-
Ўзбекистон	3 462,2	-	-
Фарғона т	37 079,4	13	9,6
Данғара	4 152,8	-	-
Фурқат	3 460,3	-	-
Ёзёвон	4 487,9	-	-